Ушбу сонда:

2 *Қарор ва ижро* ПАХТАНИ ЎҒИРЛАШ – НОНКЎРЛИК

3 *Учинчи сменада нима гап?* БИР КОРХОНА АЁЛЛАРИ

4 МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 12 ноябр, чоршанба № 176 (1601)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII боб 30-моддаси.

Ўзликка йўл тарихий хотирадан бошланади

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган Миллий ўзликни англаш ва Миллий тафаккурни ривожлантириш борасидаги оқилона сиёсатининг изчил ва узвий давомидир. Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихининг теран илдизларини, жумладан унинг илм-фан салоҳиятини холис идрок этиш, уни илмий асосда ёритиш имкониятлари юзага келди. Бу борада олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек давлатчилигининг тарихи қанчалик қадимий бўлса, илм-маърифат, таълим тизими ҳам шунчалик чуқур илдиз отган. Албатта, Ватанимиз тарихидаги залворли қурашлар, мустамлака, қарамлик халқимиз руҳиятига ҳар қанча таъсир кўрсатмасин, унинг илм-фанга интилиши, дунёни илмий жиҳатдан идрок этиш борасидаги интилиши ва ташаббускорлиги ҳеч қачон сўнмаган. Миллатимиз учун илм йўли - маърифат, эзгулик манзили бўлиб, ҳамиша дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этиб келинган.

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Негаки, диний ва дунёвий илмларнинг асослари, жумладан бизнинг заминимизда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача ўз кўркини йўқотмаган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шаҳрисабз ва Термиздаги осориатиқаларимиз юртимизда қадимқадимдан ҳунармандчилик, деҳқончилик маданияти, шунингдек, шаҳарсозлик ва меъморчилик санъати юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради. Бундан ташқари, бешафқат давр синовларидан омон қолган бой кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, турли соҳага оид асарлар беқиёс маънавий бойлигимиздир.

Шу маънода мамлакатимизда Фанлар академиясининг вужудга келиш тарихи Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, она заминимизда қадимдан мавжуд бўлган Маъмун академиясидек йирик илм-фан марказларида яратилган бой илмий мерос ва маданий анъаналар билан боғлиқдир. Зеро, бундан салкам минг йил илгари Урганчда ташкил этилган ушбу академия халқимиз даҳоси тимсолидир. Шу боис Хоразмшоҳлар томонидан барпо этилган Маъмун академияси тарихи мамлакатимиз илм-фан тарихининг ажралмас қисмидир. 996 йилда Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад (995-997) Хоразмни бир бутун давлатга бирлаштиради. Хоразмшоҳ Урганчни пойтахт деб белгилади. У асосий эътиборни давлатнинг иқтисодий қудратини ошириш ва мустақиллигини таъминлашга қаратди. Бу унинг ўғли Али ибн Маъмун даврида ҳам давом этди.

Али ибн Маъмуннинг тоғаси Абу Наср ибн Ироқ ғоят билимдон инсон эди. У ҳаётлигидаёқ ўз даврининг Птоломейи деган номни олганди. Абу Наср Абу Райҳон Берунийнинг устози бўлган. Абу Наср ва Беруний туфайли Хоразмшоҳ саройида илм аҳли учун етарли шароит яратилган. Уларнинг таклифи билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх ва Бухородан, ҳатто араб халифаликларидан олимлар Урганчга кела бошлаган. Шу тариқа қадимий Хоразмда «Дор-ул-ҳикма вал маориф» номини олган илмий муассаса вужудга келган. Бу муассасада диний ва дунёвий илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган. Али ибн Маъмун вафотидан кейин унинг укаси тахтга чиқади. Янги ҳукмдор Берунийни ўзига энг яқин маслаҳатчи қилиб олади. Маъмун академияси учун янада кенгроқ имкониятлар яратилади.

X асрга келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида сиёсий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан ўзга мамлакатларга қараганда анча устун бўлган бир қанча давлатлар юзага келган. Ана шу давлатлар ичида энг йириклaридан бири Хоразмшоҳ давлати эди. Хоразм давлати эрамиздан аввалги IV-III асрларда вужудга келган эди. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир», дея эътироф этганди. Хоразм қадимдан Осиё, Оврўпо мамлакатларини бир-бири билан боғлаб турувчи ҳалқа бўлган. Бу заминда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданият, илм-фан гуллаб-яшнаган.

Маъмун академиясида довруғ қозонган юзлаб олимлар илм билан шуғулланганлар. Улар математика, астрономия, руҳият, кимё, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, одоб-ахлоқ, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажакда жаҳон миқёсида ривож топишига мустаҳкам замин яратганлар. Маъмун ўз саройида олимлар билан мулоқотлар ўтказиб, турли соҳалар бўйича уларнинг фикрларини эшитиб турган. Энг иқтидорли олимларга қимматбаҳо совғалар ҳадя қилинган. Алломаларга Беруний бошчилик қилган. Маъмун академиясининг энг ёрқин юлдузларидан бири Абу Райҳон Беруний эди. Дунёнинг йирик илмий марказларида таълим олган аллома ҳаётида Маъмун академияси катта рол ўйнайди. Бу илм даргоҳида у қомусий олим сифатида дунёга танилди. Замондошларининг таъриф беришларича, «унинг қўли ҳеч қачон ёзишдан тўхтамаган, нигоҳи муттасил кузатиш билан банд бўлган, қалби эса фикрлашга мудом қанот боғлаб турган».

Берунийнинг фанда маълум бўлган 154 номдаги асарлари дунё маданият дурдонаси ҳисобланган. Биргина фалакиётга оид асарлари 45 тадан ортиқдир. Унинг шоҳ асари «Ҳиндистон» бўлиб, донишманд уни ёзиш учун 13 йил илмий қидирув ишларини олиб борган. Кўплаб тилларни, адабиётларни ўрганган.

Хоразмшоҳнинг бош вазири, илм-фан ҳомийси ас-Сахрий ҳам олимлар учун зарур ижодий муҳитни яратиб берган. Маъмун академиясининг олимлари нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ ва Ғарб мамлакатларида илм-фаннинг юксалишига салмоқли ҳисса қўшганлар.

Афсуски, мазкур илм масканида гуркираган илмий фаолият узоққа бормади. Марказий Осиё ва Хуросондаги юксалишдан чўчиган Бағдод халифаси бу вақтга келиб қудратли давлат тузган Султон Маҳмудни Хоразмшоҳга қарши гиж-гижлаб, улар ўртасидаги ихтилофни кучайтириш мақсадида Хоразм ҳукмдорига элчи орқали қимматбаҳо совғалар ва «айн-уд-давлат ва зайн-ил-миллат», яъни давлат кўрки ва дин безаги унвонини тасдиқловчи ҳужжат юборади. Хоразмшоҳга кўрсатилаётган бундай иззат-ҳурмат Султон Маҳмудга оғир ботишини у яхши биларди. У шум ниятига етди. 1017 йилда Маъмун саройида исён кўтарилиб, Хоразмшоҳ ўз лашкарбошилари томонидан ўлдирилади. Хоразмликлар катта душманга қарши биринчи бўлиб ҳужумга ўтиб, мардона жанг қилган бўлсалар-да, босқинчиларга бас келолмадилар. Хоразм қўшинининг бир қисми қириб ташланди, қолганлари эса асир олинди. Маъмун академияси таназзулга юз тутиб, ҳувиллаб қолди. Шарқнинг биринчи илм маскани бўлган Маъмун академияси дунё илм-фани ривожига катта таъсир кўрсатди. Жумладан, жаҳон илм-фанининг юксак даражага кўтарилган босқичларини Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масихий ал-Журжоний, Абу Хайр ал-Ҳасан ибн Сивар ибн Баба ибн Бахном, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ, Аҳмад Маъсурий, Ал-Хорожи, Ал-Ҳамдаки, Абул Ҳаким Муҳаммад Ҳамид ибн ал-Хидр ал-Хўжандий, Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий, Абу Абдуллоҳ ал-Бий ан-Найса-Бури, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайли ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид ан-Найса, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳри, Ибн Мисковайх, Умар Исфаҳоний, Абу ал-Хайр Ҳаммор, Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ан-Натилий, Шарофиддин Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф Айлоқий каби Маъмун академиясида илмий фаолият юритган буюк алломаларсиз тасаввур этишимиз қийин, албатта.

Шу маънода, Президентимизнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони маънавий ҳаётимизда улкан ҳодиса бўлиб, унда «Қадимги миллий илм-фан соҳасида бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш»га доир вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Мазкур ҳаётбахш Фармон Хоразм мутафаккирларининг илм-фан соҳасидаги анъаналарини қайта тиклашга, яъни бундан минг йил олдин узилган маънавият ва маърифат ришталарини бугунги кун илм-фан тараққиёти билан боғлашга қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳа, бугун Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Зеро, бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар етишиб чиққан. Шунингдек, жаҳоннинг барча ҳудудларидан одамлар илм-маърифат излаб Самарқанду Бухоро, Термизу Хоразмга интилганлар. Чунки дунёдаги энг катта ва бой кутубхоналар, дорилфунунлар, мадрасалар ва энг зукко алломалар шу муборак заминда бўлган!

Анвар КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди
Амина ҚОДИРОВА,
журналист

Кўҳна Хоразм ўзининг чиройли, сифатли, турли-туман гиламлари билан жаҳонга машҳур. Ўтган йили «Хива Карпед» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг айнан шу воҳада иш бошлагани ҳам бежиз эмас. Негаки, бу ерда қадимий гиламчилик анъаналарини бугунги замонавий услуб билан уйғунликда давом эттириш айни муддаодир.

Ҳозир корхонада юзлаб ёшлар меҳнат қилмоқда. Улар йилига икки миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришаяпти.

Суратда: йигирувчи қизлар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Бекободда Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. «Ўзметкомбинат»ни иккиламчи хомашё билан таъминлашнинг октябр ойи якунларига бағишланган мазкур йиғилишда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАСИН

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

«Ўзметкомбинат» республика ҳукумати ёрдами ва мижозлар билан яқин ҳамкорлик туфайли бир маромда ишламоқда. Қурилиш объектларига тайёр металл прокати етказиб бериш, экспорт ҳажмини ошириш имконияти шу тарика кенгаймоқда. Айни пайтда корхонани хомашё билан таъминлаш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Иккиламчи металл парчалари тайёрлаш ва етказиб берувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида талай амалий чоралар белгиланмоқда. Хусусан, хомашё харид нархлари йил бошидагига нисбатан 2-2,5 баравар оширилди.

Бекобод металлурглари октябр ойида ўз ҳамкорларидан 50 минг тонна ўрнига 41,9 минг тонна хомашё қабул қилиб олди. Бу борадаги ҳукумат топшириғи 84 фоиз адо этилди. Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари, барча ҳудудларда иккиламчи металл хомашёси тўплаш ва қайта ишлашга топшириш ҳукумат топшириғи тўла бажарилмади. Йиғилишда Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида бу борадаги ишлар сусайтириб юборилгани қаттиқ танқид қилинди. Ваҳоланки, мазкур ҳудудларда иккиламчи металл хомашёси тўплаш имконияти катта.

Комиссия йиғилишида иккиламчи металл хомашёси тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш борасидаги умумий аҳвол қониқарсиз, деб топилди. Масъулиятни бўшаштириб юборган мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. Октябр ойида етказиб берилмаган металл парчаларни ва чиқиндиларини ноябр ойида қоплаш, бу борадаги ҳукумат топшириғини сўзсиз бажариш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

(ЎзА)

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

Атал Бихари Важпаининг Ҳиндистон бош вазири бўлганлигига яқинда салкам олти йил тўлади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда сезиларли муваффақиятларга эришди, дейиш мумкин. У кеча ўзининг навбатдаги сафарига чиқиб, Москвага келди. А.Б.Важпаи ўзининг ташрифи арафасида Рейс Корс-роуддаги бош қароргоҳида журналистлар билан учрашиб, айни пайтдаги долзарб масалалар хусусида фикр билдирди.

Мен қўшни мамлакатга яхши ният билан боряпман, - деди бош вазир оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳузурида сўзга чиқиб, - ҳозир жаҳон «совуқ уруш»дан кейинги асоратларни ижобий изга солиш билан машғул, дейиш мумкин. Бу борада иқтисодий муносабатларни янгича савияга кўтариш, технологик жараёнларни ривожлантириш, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақавий давлатларни бир-бирига яқинлаштириш, дунёда барқарор тинчликни таъминлаш энг муҳим вазифалардир.

НАТИЖА ЁМОН ЭМАС

Япония парламентининг қуйи палатасида овоз беришлар либерал-демократик партия вакилларини бир қадар хотиржам қилди. 480 овоздан 240 тасига эга бўлиш Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми учун яхши натижа ҳисобланади. Унинг тарафдорлари Комэйто ҳамда Консерватив партияларнинг аъзолари ҳам қониқиш ҳосил қилдилар. Бу дегани истиқболдаги 4 йил ичида либерал-демократик партия мамлакат ҳаётида асосий мавқеини қўлдан бермайди, демакдир.

Мухолифатдаги Демократик партия ўзининг ўринлари сонини бироз кўпайтирган бўлса ҳам ҳокимиятни қўлга олишга ҳали-бери қурби етмайди. Улар парламентда ҳозирча 177 ўринни банд қилиб турибдилар.

Либерал-демократлар Д.Коидзуми раҳбарлигида янги ислоҳотлар ўтказишга енг шимармоқдалар.

ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида хабар берганимиздек, Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтганидан кейинги вазият ҳамон қалтис бўлиб турибди. Ниҳоят Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижаларини ҳисоблаб кўриб, мамлакатнинг айрим туманларида қайта сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Президент Эдуард Шеварднадзенинг мухолифлари овоз беришда қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлигини қайд қилдилар. Шу боис МСК бир неча кунгача сайлов ҳақидаги маълумотларни якунлай олмади. Мухолифат раҳбарлари М.Саакашвили, З.Жвания, Н.Буржанадзелар билан музокаралар ҳам келишувга олиб келмади.

Қайта сайловларнинг ўтказилиши 16 ноябрга белгиланди.

УЧУВЧИ «АЛЛИГАТОР»

«Камов» фирмаси томонидан яратилган янги «Ка-52» вертолётлари «Аллигатор» деб аталди. Улар яқин кунлар ичида ҳарбий-ҳаво кучлари сафига қўшилади. Мазкур янги машиналарнинг оғирлиги 10400 килограмм бўлиб, учиш тезлиги соатига 300 километрни ташкил этади, парвоз узоқлиги 480 километрдир. «Ка-52» зирҳли нишонларни аксон қилишда самарали натижалар беради.

ГЎЗАЛЛИК ДАВОЛАЙДИ

Англия олимларининг кузатишлари ғаройиб натижа берди. Янги модалар намойиши, модалар тўғрисида ёзилган журналлар аёллар инжиқлигини босишда ва улар асабларини тинчитишга қодир восита экан. Руҳшуностажрибакорлар асаб касалликларини даволар эканлар, Шотландиянинг Глазго шаҳрида гўзаллик хонасини очдилар. Ўзга бир залда янги мода кийимлари намойиш этилди. Ишлар якуни хурсанд қилди. Уч-тўрт сеансдан сўнг аёллар табиатида катта ўзгариш бўлди. Эзилишлар, доимий ҳорғинлик, уйқусизлик, қон босими кўтарилишидан асар ҳам қолмади. «Гўзаллик – буюк кучдир», деб ёзди «Скотсмен» рўзномаси.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Қашқадарё алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг қатъиятлиги, адолатни қаттиқ туриб ёқлаганлиги туфайли ишдан ноҳақ бўшатилган 9 ходим вазифасига қайта тикланди

Ҳақ жойида қарор топди

АДОЛАТЛИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Қўчқор Каримов бой тажрибага эга бўлган моҳир ташкилотчи, иқтидорли мутахассис сифатида эътироф этилган. Тўғри сўз, қатъиятли ва камчиликларга муросасиз бўлган касаба уюшма етакчиси ишчи-хизматчиларнинг суянчиғига айланган. У корхонада, филиалларда соғлом муҳит яратиш, фидойи меҳнат муносиб қадрланишига эришиш учун астойдил ҳаракат қилади. Ҳақиқатни юзага чиқариш учун вақти келса раҳбарлар билан талашиб-тортишишдан чўчимайди. Бунинг исботи учун хизмат қиладиган мисоллар кўп.

«Ўзбекистон-Индонезия интернейшнл» қўшма корхонасининг «Қарши» филиалида ғалати воқеа юз берди. Маъмурият ташаббуси билан 11–18 апрел кунлари аттестация ўтказилиб, даб-дурустдан бинойидек ишлаб юрган 22 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Ажабланарлиси шундаки, аттестация тўғрисида ишчи-хизматчилар вақтида огоҳлантирилмаган. Синов даврида ходимларнинг ваколат доирасига кирмаган саволлар ҳам берилган. Жиддий эътирозларга қарамай иш берувчининг буйруғи билан бир гуруҳ ходим ишдан озод қилинди.

Корхона раҳбари Жуманазар Бозоров ва бошқа масъул шахсларга қилинган мурожаатлар, ноқонуний бўшатилганларни ўз вазифасига тиклаш юзасидан берилган тақдимномалар эътиборсиз қолди. Кўпчиликни ранжитган томони яна шуки, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Фурқат Эшмуродов маъмурият шунча ходимни ишдан озод қилишга розилик сўраб ёзган хатини қўмита йиғилишида атрофлича муҳокама этмасдан розилик бериб юборган. Шундай вазиятда бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Каримов масъулиятни зиммасига олди. Тажрибали мутахассислар, ишчилар мададига суянган ҳолда адолатсизликка учраган ходимларни қаттиқ ҳимоя қилиб, адвокат ёллади. Кўп ўтмай фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра «Қарши» филиали раҳбариятининг меҳнат қонунчилигига зид бўлган буйруғи бекор қилинди. Пировард натижада электромонтёрлар Акром Абдураҳимов, Абдували Саидқулов, оператор Гулнора Равшанова, молия бўлими ходими Гулноза Рўзиева, электромеханик Татьяна Бугаева, пайвандчи Шуҳрат Раҳимов, телефон устаси Муҳтарам Абдуллаева, мутахассис Сабоҳат Назарова ва бошқалар ўз вазифаларига қайта тикландилар. Жорий йилнинг 14 майидан 25 сентябригача яъни 4 ойу 11 кун учун иш ҳақи ҳамда ҳар бирига 50 минг сўмдан келтирилган маънавий зарар филиал томонидан ундириб бериш юзасидан қарор чиқарилди. Электромонтёр Шаҳодат Тоғаева ҳам судга мурожаат қилиб, ҳақ-ҳуқуқи чекланганлигини маълум қилганди. Суднинг адолатли ҳукми билан иш берувчининг буйруғи бекор қилиниб, ишчи мушкули осон этилди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун 3 ойлик иш ҳақи, шунингдек, 50 минг сўм маънавий зарар ундирилди. Шунда барча мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор эканлигига яна бир карра амин бўлди.

– Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида ташкилотимизга турли масалаларга оид 17 та ёзма ва қатор оғзаки мурожаатлар бўлди, - дейди биз билан суҳбатда касабақўм раиси. – Уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилди. Мақсадга эришишда меъёрий ҳужжат саналган жамоа шартномалари муҳим рол ўйнамоқда.

Таъкидлашларича, Ғузор туман телекоммуникациялар боғланмаси муҳандиси Зулфия Жабборова ҳам Қўчқор акадан ғоят миннатдор. Сабаби муҳандис ҳомиладорлик таътилидан қайтганидан сўнг маъмуриятдагилар у-буни баҳона қилиб, аввалги иш ўрнини беришмаган. Касаба уюшма аралашувидан сўнг, муаммо ижобий ҳал этилди. Худди шунингдек, Чироқчи туман телекоммуникациялар боғланмаси электромонтёри Ҳошим Эштурдиев ногиронлик учун тўланадиган нафақани, етакчи мутахассис Эшпўлат Маманов эса товон пулларини вақтида оладиган бўлди.

Бирлашган касаба уюшмасига саккизта бошланғич, 27 та цех ташкилоти уюшган бўлиб, улар ўз сафларига 3 минг нафар аъзони бирлаштирган. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашнинг синалган омили бўлган жамоа шартномаларининг бандлари бажарилиб келинмоқда. Масалан, биргина алоқа ходимларининг меҳнат таътилига чиқишлари учун 26 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Анъаналардан яна бири келин-куёвлар энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам оладилар. Бундай имтиёз 42 нафар ёш ишчи-хизматчига татбиқ этилиб, қарийб 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳаётда кутилмаган воқеалар бўлиши мумкин. Буни маъмурият, касаба уюшма қўмитаси ҳисобга олган. Яқинлари вафот этган кишиларга қарийб уч ярим миллион сўм ёрдам кўрсатилганлиги, кам таъминланган 243 оила 5 миллион сўмлик маблағ билан қўллаб-қувватланганлиги одамларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Иззат ҲИКМАТ,
«Ишонч» махсус мухбири

Долзарб мавзу

ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ДОНҒИ ЧИҚМАС

ёки касаба уюшма аъзоси бўлишнинг афзалликлари

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари касаба уюшмалари фаолиятини ҳам янгича мазмун билан бойитишни тақозо этмоқда. Мана шундай шароитда якка тартибда фаолият юритаётган ёйинки, уюшмаларга бирлашиб меҳнат қилаётган тадбиркорларни касаба уюшмалари сафига онгли равишда жалб этиш долзарб вазифалардан биридир.

Ушбу муҳим вазифа Республика автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан қандай амалга оширилмоқда? Мухбиримиз тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси раиси Алишер МАДАЛИМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобил транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони соҳамиздаги ислоҳотларнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Бунинг натижасида транспорт хизмати кўрсатиш моҳияти тубдан ўзгарди. Тармоқда юксак эътибор ўз навбатида соҳа тадбиркорларининг ўз ишларига бўлган масъулияти ҳамда ишончини янада оширди. Нодавлат секторнинг жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлиги автотранспорт хизмати кўрсатишнинг тубдан янгиланишига туртки бўлди. Натижада кейинги йиллар давомида давлат тасарруфида бўлган транспорт воситаларидан қолишмайдиган шу жумладан, чет эллардан маҳаллий инвестиция ҳисобига келтирилган 45 мингта автотранспорт воситаси кириб келди. Агар 3 йил илгари йўловчи ташишда хусусий секторнинг улуши бор-йўғи 9 фоизни ташкил этган бўлса, айни кунларда уларнинг улуши 40 фоизга, айрим шаҳар атрофларида эса 50 фоизга етди. Микроавтобус йўналишлари, енгил такси ҳайдовчиларига келсак, 20 мингдан зиёд хусусий ташувчилар махсус рухсатномалар олган ҳолда 90 фоиз ҳажмдаги йўловчини манзилларига элтмоқда. Бунинг шарофати ила кейинги 3 йил давомида республика туман ва шаҳарларида аҳоли яшаш жойларини боғловчи 400 дан зиёд йўналишлар қайта тикланди. Мана шундай ҳайдовчиларнинг юк ташишда ҳам фаол иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусий ташувчилар ўз фаолиятларини ривожлантириш мақсадида турли уюшма, жамият ва бошқа турдаги ширкатларга бирлашмоқдалар. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, айни пайтда республикамизда 41 мингдан зиёд шахс якка тартибда иш юритмоқда. Шулардан 6 мингтаси 215 уюшмага жалб этилган. Касаба уюшмаларининг эндиги асосий вазифаси ана шу ҳайдовчиларни касаба уюшмамиз сафига жалб этишдир.

Юқоридаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши «Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш омиллари бўйича касаба уюшма ташкилотларига тавсиялар тўғрисида» қарор қабул қилганди. Бизнинг тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг IV-мажлисида ҳам нодавлат сектор ходимларини касаба уюшма аъзолигига жалб этиш ҳақида қарор қабул қилдик. Шу асосда «Автотранспортда йўловчи, юк ташиш ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди.

Унга суянган ҳолда изчил фаолият юритиш, ташкилотчилик шарофати ила шу кунгача 4 мингга яқин меҳнаткаш касаба уюшма аъзолигига жалб этилди. Бу борада Бухоро, Андижон вилоятларида яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Вилоятдаги 39 та уюшма ўз атрофига 639 та шахсий йўловчи ташувчини бирлаштирган. Улар орасида Чирчиқ шаҳридаги «Нурли оқшом», «Хизмат - бемингнат», Янгийўл шаҳридаги «Автомобилчи-С» уюшмалари самарали фаолият кўрсатмоқда. Янгийўл шаҳридаги масъулияти чекланган «Автохизмат жамияти» ўз атрофига 200 кишини бирлаштирди. Мазкур уюшма юк ва йўловчи ташиш ишларини муваффақиятли уддаламоқда. Шу корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилди. Айни вақтда уюшма раиси Одилжон Жўрабоев ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси етакчиси Жўра Мамажоновлар уюшма аъзоларини иҳтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш учун барча чораларни кўришмоқда.

– Касаба уюшма ташкилотига аъзо бўлаётган ҳар бир кишида: бу ташкилотнинг нафи нимада?, - деган савол туғилади.

– Бу табиий. Маълумки, ҳайдовчилик энг нозик касблардан ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида тадқиқот ишлари ўтказилганда, такси ҳайдовчиларини юксак даражадаги хавфли касблар рўйхатига бежиз киритишмаган. Албатта бизнинг мамлакатимиздаги муҳит, шароит тамомила бошқача, яъни ҳайдовчининг тинч-хотиржам ишлаши учун шароит яратилган. Ҳар ҳолда касб машаққатини билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Агар хусусий ташувчи аъзоликка қабул қилинса, биз уни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаймиз. Мабодо ҳуқуқий маслаҳат зарур бўлиб қолса, буни бепул амалга оширамиз. Шунингдек, уларни ҳамда оила аъзоларини соғломлаштирамиз. Касбга оид меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаймиз. Касб маҳоратларини ошириш мақсадида турли ўқувлар ташкил этамиз. Шу билан бирга «Автотранспорт» суғурта департаменти билан ҳамкорликда шахсий йўловчи ташувчиларни ҳамда уларнинг транспорт воситаларини суғуртадан ўтказилишига ёрдамлашамиз. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Ҳар бир ходим эртанги кун нафаси билан яшаши лозим.

– Соҳа ходимларини аъзоликка жалб этишда айрим муаммолар ҳам борлиги сир эмас.

– Албатта. Кейинги пайтда кимки хусусий тадбиркорлик ёки якка тартибда фаолият юритаётган бўлса касбидан қатъий назар уларни тадбиркорлар касаба уюшмасига жалб этишдек анъана кучаймоқда. Фикримизча, улар касб хусусиятларига кўра тегишли тармоққа жалб этилса тўғрироқ бўларди. Чунки ходимларни қайта касбий тайёргарликдан ўтказиш, зарур меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш осон кечади.

Суҳбатдош:
Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ҲАММАСИ ИНСОН УЧУН

Тармоқ касаба уюшмамиз 795 корхонадаги касаба қўмиталарини ўзида бирлаштириб, қатор йўналишда ижобий ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда касаба уюшмалари Марказий қўмитаси кўп йиллардан буён тармоқ маҳкамалари билан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ишчиларнинг бошқа манфаатларини кафолатлаш бўйича келишувлар тузиб келмоқда.

Уларга асосан меҳнатга ҳақ тўлаш ставкалари, окладлар, баҳолар ҳамда қўшимчалардан келиб чиқиб, республика бўйича белгиланган энг кам иш ҳақидан 1,5 марта кўп бўлмоқда. Йиллик меҳнат таътиллари иш стажига кўра 1 кундан 7 кунгача узайтирилди, унинг энг кам муддати 18 кун этиб белгиланди. Зарарли ва ўта зарарли иш шароитида ишлаганларга тариф ставкалари ёхуд лавозим окладларига 12 — 24 фоиз устама ҳақ тўланмоқда. Ишда жароҳат олганларга ёхуд бахтсиз ҳодисалар туфайли боқувчисини йўқотган оилалар аъзоларига қўшимча имтиёзлар белгиланди.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» ассоциацияси ва «Ўзқурилишматериаллари» ҳиссадорлик компанияси билан тузилган шартномаларни бажариш учун 2,2 миллиард сўмга яқин, шу жумладан зарарли ва оғир, ўта зарарли ва ўта оғир шароитларда ишлаганларга 397,2 миллион сўм сарфланди. Ишлаб чиқаришда нобуд бўлганлар оилаларига 1,2 миллион сўм тўланди. 12 нафар ногирон санаторий ва курортларда даволаниш учун бепул йўлланмалар билан таъминланди. 23 нафар Чернобилчиларга моддий ёрдам кўрсатилди. Қўшимча таътиллар учун 212 миллион сўм сарфланди. Шартномалар шартларига кўра корхоналар касаба уюшмалари ҳисоб-китоб рақамига оммавий-маданий ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирлари учун 49 миллион сўм ўтказиб берилди.

Касаба уюшмамиз жамоа шартномаларининг меҳнат тўғрисидаги қонунларга ва шартномаларга мос бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқда. 746 та корхонада жамоа шартномалари тузилган бўлиб, бу умумий ҳисобда 95 фоизни ташкил этмоқда. Марказий қўмита 1998 йилдан буён корхоналарда жамоа шартномалари бажарилишига сарфланадиган маблағларни узлуксиз таҳлил этиб келмоқда. Шундай қилиб, 1998 йилда сарфланаётган маблағ бир ходим учун 11,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2002 йил натижаларига кўра эса у 135,8 минг сўмга етди.

Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Марказий қўмита корхоналарда жамоа шартномаларини рўйхатга олиш, уларнинг меҳнат қонунчилиги ва тармоқ шартномаларига мослигини аниқлаш мақсадида уларни мажбурий экспертизадан ўтказади, ҳар бир минтақавий касаба ташкилотида жамоа шартномалари, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ҳисобга олувчи журналлар тутилди.

Жамоа шартномаларининг бажарилиши учун статистик ҳисоботларга қараганда Касаба уюшмалари бадаллари бир йилда 4504,17 сўм бўлди. Бошқача қилиб айтганда ходимларни ижтимоий ҳимояси учун кетадиган харажатлар уларнинг бадалларидан 28 марта кўп бўлди.

«Соғлом авлод учун» йилида касаба уюшмалари Марказий қўмитаси қатор тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Уни амалга ошириш учун 2000 йилда 60 миллион 497 минг 700 сўм сарфланди. Шу жумладан 2 ёшдан 3 ёшгача болалари бўлган 565 нафар аёлга 9 миллион 181 минг сўм берилди. 61 нафар аёл узайтирилган таътилдан фойдаланди. 1281 нафар аёл маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш ҳафтасига чиқарилди. 3443 та кам таъминланган ва кўп болали оилага, шунингдек, ишлаб чиқариш ногиронларига 51 миллион 316 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

Булардан ташқари, қатор болалар уйлари ва интернат-масканларига хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Хусусан Фарғона вилоятидаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти Марғилон шаҳридаги мактаб-интернатга 455 минг сўм берди. Бунга янги йил учун пойабзаллар ва совғалар харид этилди. Фарғона шаҳридаги болалар уйига эса 302 минг сўм ажратилди. «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти 1,5 миллион сўмга ўз ходимлари учун дори-дармонлар олди, пенсионер ва ногиронларга эса 2,3 миллион сўм ҳадя қилинди.

Касаба уюшмалари қурултойида белгиланган дастурда соҳа ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Тармоқ ишчилари саводхонлигини ошириш мақсадида йирик касаба қўмиталарида 67 та штатдан ташқари юридик маслаҳатхоналар ташкил этилди. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари қўмиталари раислари ўртасидаги муносабатлар ҳар доим назорат остида туради. Соҳа ишчилари меҳнатига ҳақ тўлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада 2002 йилда касаба уюшмалари Марказий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Касаба уюшмаларининг иш ҳақи бўйича қарздорликни узиш йўл-йўриқлари тўғрисида»ги қоидалар фаолиятимизда алоҳида ўрин тутмоқда. Барча минтақавий касаба ташкилотлари бу жараёнда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, биргина Бухоро ваколатхонаси 2003 йилда 43 корхонада меҳнат ҳақидан тўпланиб қолган 35 миллион сўмлик қарзни узди. Наманган вилоятида эса 23 корхонада иш берувчилар билан умумий тил топилиб, ходимларга 207 миллион сўм берилди. Қисқаси 2003 йил 1 октябригача касаба уюшмалари органлари 159 корхона раҳбарларига мурожаат қилиб, жами 709,75 миллион сўм ундирилди. 11 корхона бошлиқларидан эса суд йўли билан 72 миллион сўм ундирилди. Гапнинг қисқаси, фақат 2003 йилнинг ўзидагина касаба уюшмалари органлари аралашуви билан ходимларга 853,87 миллион сўм маблағ ундириб берилди. Инсонларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишлари бундан буён ҳам алоҳида масъулият билан давом эттирилади.

Мамлакат АБДУМАЛИКОВА,
Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг ижтимоий ҳимоя бўйича бош мутахассиси

Репродуктив саломатлик

ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ...

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан буён икки йил ўтди. Ҳукуматимизнинг бу муҳим ҳужжатида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани аҳолиси репродуктив соғлиғи кўрсаткичлари республика даражасидан ортда қолаётгани алоҳида қайд этилган эди.

Туман ҳокимлиги, касаба уюшмалари кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар оила тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида яқин ўн йилга мўлжалланган тадбирлар дастурини тузиб чиқдилар.

Қарор ижроси билан кучли. Туманда 208 минг нафар аҳоли бўлиб, хизмат радиуси 132 километрни ташкил этади. 44745 та хонадоннинг бир қисми Самарқанд вилояти Нуробод, бир томони Қарши тумани чегараларига қадар чўзилиб кетган. Ҳудуднинг демографик вазияти пухта ўрганилди. Мавжуд 144 та қишлоқ, хўжаликлар ва туман марказида истиқомат қилаётган оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мониторинги олиб борилди.

Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш ва профилактикаси воситаларига бўлган талаб, никоҳга кирувчи ёшлар билан соғлом оилани шакллантириш муаммолари таҳлил этилди, оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун астойдил ишга киришилди. Туман аёлларининг соғлиғини кўрикдан ўтказиш ва тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 20 та потронаж гуруҳлари ташкил этилди.

Яқинда марказий шифохона бош ҳакимининг оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича ўринбосари О.Шайманов бошчилигидаги шифокорлар гуруҳи аҳолиси 41 минг кишини ташкил этган «Чиял» ширкат хўжалигининг Оқтўнли қишлоғида бўлди. Болалар врачи Эргаш Тоғаев, акушер-гинеколог Онажон Тўлиева, тажрибали терапевт Худойберди Бойбўтаев, участка врачи Болта Қиличев ҳамроҳлигида аҳоли соғлиғини пухта ўрганишди. Туғиш ёшидаги 3801 нафар аёл, мингга яқин ўсмир қиз кўрикдан ўтказилди. Дастлабки даволаш-профилактика ишлари амалга оширилиб, керакли тиббий маслаҳатлар берилди.

Бундай кўриклар Анқорўз, Тўқмор, Кўкдала, Жалойи, Мазорли, Шўркудуқ, Сариқамиш, Уйшун, Оқ олтин, Торжилға, Аҳмад Яссавий номли хўжаликлар ва қишлоқларда ҳам ўтказилди.

Туман хотин-қизлар кенгаши, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлашга қаратилган йиғилишлар, учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Ҳукуматимизнинг шу йил август ойида қабул қилган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг аҳамияти чуқур тушунтирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар самара бераяпти. Туманда оналар ўлими содир бўлмади. Болалар ўлими кескин камайди. Бундай муваффақиятга эришишда Чироқчи шаҳридаги оилавий поликлиника педиатри, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Ҳуррият Хусаинова, болалар врачлари Робия Қодирова, Абдуллахон Боқиев, акушер- гинекологлар Алия Абубакирова, Оқмирза Шернаев, болалар шифохонаси бош врачи Абдусалом Исломов, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари Худойберди Мустафоев, Нормамат Галаев, Эшқувват Мирзоқуловларнинг меҳнатлари салмоқли.

Айни пайтда аҳолига 369 нафар олий маълумотли шифокорлар хизмат кўрсатаётган бўлса, улардан 63 таси болалар врачлари, 25 тасини акушер-гинекологлар, 82 тасини терапевтлар ташкил қилади.

Туманда 195 ўринли иккита туғруқ мажмуаси, 70 ўринли болалар шифохонаси, 5 та қишлоқ участка касалхоналари, 5 та шифоатхона, 12 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 13 та қишлоқ врачлик пункти, 9 та соғломлаштириш маркази, 29 та фельдшер-акушерлик пунктлари ва бошқа тиббий муассасалар ишлаб турибди.

Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигининг «Соҳибкор», Дилла Сафаров хўжалигининг «Гулистон» қишлоқларида врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 79 миллион сўм маблағ сарфланиб, марказий шифохонада 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам маркази қайта жиҳозланди.

– Туманимизни Американинг «Хоуп» халқаро ташкилоти ва «Евроазия» жамғармаси оталиққа олган, - дейди биз билан суҳбатда марказий шифохона бош врачи Холиёр Қодиров. – Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича кўп иш қилинди. Хорижлик мутахассислар даволаш-муассасалари, туғруқхоналар, оналар ва болалар шифохоналари, репродуктив саломатлик марказларини дори-дармон ва тиббий ускуналар билан таъминлашда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичлари таҳлили кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмаслигини исботлаб турибди. Туғиш ёшидаги 64275 нафар аёллар, 10316 та ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилганда кўпчилигида турли хилдаги касаллик аломатлари аниқланди. Ҳозирга қадар 10 мингдан ортиқ зурриёд ёшидаги аёллар контрацептив воситалар билан қамраб олинган. Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи мавзуида суҳбатлар уюштириш, турмуш қураётган ёшларнинг тиббий кўригини таъминлаш, махсус дастурлар асосида янги туғилган чақалоқлар ва эмизикли болаларни парваришлаш бўйича даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш талаб этилади.

Хавфсиз оналик, Чақалоқни эмизиш, «Болалар касалликларини биргаликда даволаш», Йод етишмовчилигининг олдини олиш, болани она сути билан боқиш хусусида семинар-тренинглар уюштирилаяпти. Бундай фойдали тадбирларни давом эттириш, олиб борилаётган ташвиқот ва ташкилотчилик ишларини бевосита қишлоқ ва маҳаллаларга кўчириш ижобий натижа беради.

Жамиятимизнинг гултожи бўлмиш аёллар каби уларнинг фарзандлари ҳам азиз ва муҳтарам. Соғлом она ва соғлом бола шиори асосида аёллар ҳамда болалар соғлиғини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

ЁЛКИН

Амударё кўприги Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳудудида бунёд этилаётган улкан иншоот. Ўнг ва сўл қирғоқни боғловчи ушбу кўприк қурилиши бошланганига бир йилдан ошди. Шу кунларда эса бу ерда қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Узунлиги 660 метр масофадаги темирйўл ва автомобил йўли кўприги мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Қурилиш ишида «Ўзбектрансқурилиш», «Хоразмсувқурилиш» ҳамда «Кўприкқурилиш» трести бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Суратда: бетончи Ҳусниддин Бесинбоев.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

Тахиатошда автомобилларга эҳтиёт қисмларини сотишга мўлжалланган савдо маркази ишга тушди.

Марказда етмишдан зиёд савдо ўринлари мавжуд. Яқин кунларда 32 та ёпиқ дўконнинг қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилади. Шунингдек, савдо марказида новвойхона, ошхона ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари ҳам ишлай бошлайди.

"Туркистон-пресс"

Қарор ва ижро

ПАХТАНИ ЎҒИРЛАШ — НОНКЎРЛИК

Пахта машаққатли меҳнат эвазига етиштирилади. Халқимиз уни «оқ олтин» дея эъзозлаб, нест-нобуд қилмай саранжомлаб олишга ҳаракат қилади.

Маълумки, шу йилнинг 13 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил пахта хомашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. У бебаҳо бойлигимизни ўғирлаш ва талон-торож қилиш, уни республика ташқарисига ноқонуний тарзда олиб чиқишга уриниш каби ҳолларга барҳам беришга қаратилган бўлиб, бу борада Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётир. Пахтазорларда, дала шийпонларида, маҳалла ва гузарларда ўтказилаётган суҳбатларда ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари, оқсоқоллар, назоратчилар фаол иштирок этмоқдалар. Пахта хомашёсининг узлуксиз топширилиши ҳамда унинг зарур даражада сақланиши юзасидан назорат ишлари ҳам кучайтирилаётир. Даладан териб олинган ҳосилни хонадонларда, томорқа участкаларида, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган жойларда сақланишининг олди олинмоқда.

Ушбу мақолада Бухоро туманида қонунни бузишга интилаётган айрим фуқароларнинг кирдикорлари ҳақида фикр юритилади.

Ўз манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўйиб, енг ичидаги ҳаракатларга зўр бериш тумандаги Е.Ёдгоров номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Анвар Авезовга қимматга тушди. У Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида яшовчи онаси Р.Холовага 200 килограмм пахтани бериб юборган вақтида милиция ходимлари томонидан ушланди.

А.Авезов қўшни «Янги турмуш» ширкат хўжалигининг Қурум қишлоғи йўлида онасини кузатаётган паллада ички ишлар ходимлари «сир»ни ошкор этиб, пудратчини мулзам этишди. Ушланган пахта туман марказидаги пахта тозалаш заводига топширилди.

Шу тариқа фуқаро А.Авезов Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 61-моддаси 1 қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатларини содир этганликда айблангач, туман прокуратураси маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатди. Ушбу қарор судга юборилди. Туман судининг қарори билан жарима тўлайдиган бўлди.

Ўйламай қилинган иш келтирар ташвиш, деганлари шу бўлса керак. Қарорда пахта хомашёсини ўғирлаш ва талон-торож қилган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган тартибда жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам ошкора эътироф этилган. Аммо шунга қарамай масаланинг моҳиятини чуқур англаб етмаган, нафс йўлига кириб, нонкўрлик қилган айрим кимсалар ҳамон орамизда бор. Йўқса, фуқаролардан Нозир Хўжаев (Ш.Хайруллаев номли ширкат хўжалигидан) ҳамда Гулшан Шодмонова (Обид Убайдов номли ширкат хўжалигидан)лар ўзларига қарашли қорамолларни пахта даласида қаровсиз қолдириб, анча миқдордаги пахтани молга едиришга сабабчи бўлиб қолмасдилар. Улар хўжаликка моддий зарар етказдилар. Маъмурий ҳуқуқбузар дея эътироф этилган бу фуқаролардан туман судининг қарори билан келтирилган зарар ундириб олинди.

Пахта - эл бойлиги. Унинг миқдорини ҳам ерда қолдирмай Ватанга армуғон этиш учун азамат деҳқонлар тонгларни тунга улаб фидойилик кўрсатадилар. Шуни била туриб талон-торожга, хомашёнинг нобуд бўлишига йўл қўйган кимсалар, нонкўрлик қилаётганликларини асло кечириб бўлмайди.

Ибод ОДИНАЕВ,
Бухоро туман прокурорининг ёрдамчиси,
Ёқуб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
туман судининг раиси

Қишлоқ мулкдорлари

УСТА

Тўхташ Ҳайитбоев ўттиз йилдан ошиқ хўжалик марказий устахонасида ишлади. Умрини сарҳисоб қилиб кўрса фаолияти давомида эллик мингдан ошиқ аккумулятор таъмирлашга эришибди. Ҳаёт уни бу нозик юмуш устасига айлантирди. Нафақага чиқиб оёғини узатиб дам олишни орзу қилганди, бўлмади. Уни сира тинч қўйишмасди: турли автомобил эгалари уйигача ахтариб келишар, уловига бир разм солишларини илтимос қилиб ҳоли-жонига қўйишмасди. Фарзандлари ҳам кичик корхона очиш орзуси борлигини яшириб ўтиришмади. Бош-қош бўлишини сўрашди.

Мирзаобод тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Йўлдош Холбеков ҳам кекса уста таклифини маъқуллади. Жамғарма қошида аккумулятор таъмирлаш устахонаси ташкил этишди. Соф фойданинг маълум қисми кексалар, нуронийлар, боқувчисини йўқотган хонадонларда ногиронларни ижтимоий муҳофазалашга ажратиладиган бўлди. Кичик цехда тўрт нафар киши иш билан таъминланди. Ойлик маош белгиланди. Мана икки йилдирки корхона туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб келаяпти.

– Фарзандларим ва шогирдларим айни чоғда нафақат аккумулятор таъмирлаш, балки уни йиғишни ҳам ўзлаштириб олишди, – дейди Тўхташ Ҳайитбоев. – Биз тайёрлаган аккумуляторлар бозордагидан анча арзон. Боз устига яроқлилик муддати ҳам кафолатланган. Бир йилда 100-150 дона аккумулятор йиғиш имкониятимиз бор. Тўғри муаммолар жуда кўп. Эҳтиёт қисмлар, суюқликлар топишда қийналамиз. Аммо имкон қадар ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Қўшимча тармоқ – балон ямаш, майда техник хизмат кўрсатишни ҳам ташкил этганмиз. Энг муҳими, корхонамиз доим мижозлар билан гавжум.

Иш бошлаган кунданоқ корхона маълум имтиёзлар жорий этган. Чунончи кексалар, пенсионерлар, ногиронларга бепул хизмат кўрсатилади. Ҳатто уруш фахрийлари уйларида техник хизмат кўрсатиш ҳам жорий этилган. Негаки «Нуроний» жамғармаси билан бу ҳақда битим имзоланган.

Тадбиркорлар ўз олдиларига қўйган мақсадларидан чекингани йўқ. Сармоя тўплаб кўплаб аккумулятор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, зарур технологияни олиб келишдан иборат. Бу ҳақда қатор корхоналар фаолияти ўрганилди. Тошкент, Жиззах шаҳридаги ҳамкасблар иш тажрибаси ўзлаштирилмоқда.

– Орзуим Сирдарё тамғаси билан ишлаб чиқарилган замонавий аккумуляторларни кўриш, – дейди тадбиркор. – Ҳудудимизда бу борада имконият бор. Хуллас, ана шу соҳага асос солишга интиляпмиз.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Сиз кутган учрашув

«АКТЁРНИ МЕҲНАТ УЛҒАЙТИРАДИ»

дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов

Эл улуғлаган кишиларнинг суҳбати аввало юрагингга чўғ солади, вужудингда мудраб ётган журъатни уйғотади, яхши кунларга ишончингни мустаҳкамлайди! Бундай суҳбатларни тинглаган одам бу кун кечагидан чуқурроқ фикрлай бошлайди, кечагидан дадилроқ илгарилайди. Шунда англаб етасанки, улуғлик донишмандлик билан тенг, балки ундан ҳам зиёда...

Таниқли актёр Зикир Муҳаммаджонов билан суҳбатлашаётиб, худди шу фикрлар хаёлимдан кечди. Умрининг салкам олтмиш беш йилини саҳна ҳаётига бағишлаган бу инсон ўткир қобилияти, актёрлик маҳорати билан элнинг назарига тушган. Аслида одамлар меҳрини қозониш осонмикан? Тинимсиз изланиш машаққатларига сабр ва иродани қалқон этмоқликка ҳар ким ҳам журъат қила оладими? Умуман, инсонни олдинга етакловчи куч нимада? Болаликдаги қизиқишларми? Ё талант ва иқтидорми? Балки бунга оила муҳити туртки берар...

Шу куйи мулоқотимиз бошланиб кетади.

– Эсимда, қишнинг узун кечаларида биз сандал атрофида ўтириб отамдан шеъру ғазаллар эшитардик. Муҳаммад қори (отам) жуда ўқимишли киши бўлиб, Навоий ва Фузулийни қайта-қайта ўқирди. Ғазалларнинг мағзини чақиб, ҳаммамизга дона-дона қилиб тушунтирарди. Онам Турдинисобегим лапарлару ўланларга уста эди. Баъзи бирларини ўзлари ичдан тўқиб ҳам айтаверардилар. Театр биноси эса биз яшаётган Кўнчилик маҳалласига яқин жойда эди. Аёллар театрга паранжи ёпиниб киришарди. Онам завқи тўлиб-тошган ўта хушчақчақ аёл бўлганлари учунми, тез-тез театрга бориб турарди. Болаларни театр ичига киритишмасди. Онам ўшанда мени паранжиси ичига «бекитиб» томошага бир неча марта олиб кирганлар. Комил Яшиннинг «Тор-мор», «Ёндирамиз» пьесалари театр саҳнасида кунига қўйиларди. Мен ҳар гал театрдан қайтгач, ўзимни бошқача ҳис этардим.

– Актёрликка қизиқишингиз ўша кезлардаёқ бошланганми?

– Эҳтимол. Раҳимжон тоғам Айрилиш маҳалласида турарди. Ноғорани яхши чаларди. Айниқса Рамазон ойларида мачитнинг энг тепасига чиқиб, ноғораси билан одамларни саҳарликка уйғотарди. Мен кўпинча шу тоғамнинг ёнида бўлардим. Санъатга илк ҳавасим уйғонишида шу яқинларим сабабчи бўлишган-да.

– Сиз кўпгина шахсларнинг образларини саҳнага олиб чиққансиз. Бу осон кечмагандир...

– Бахтим шундаки, театрда иш бошлаганимдаёқ улуғ санъаткорларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлдим. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаевлар менга устозлик қилишди. Олим Хўжаев эса ҳар битта ролимни яқиндан кузатиб менга йўл-йўриқ кўрсатарди. Амир Темур, Беруний, Фурқат, Улуғбек ролларини қиёмига етказиб уддалашимда шу инсоннинг ҳиссаси катта бўлган. Мана, олтмиш йилдирки, «Навоий» асари театримиз саҳнасида қўйиб келинаётир. Бу улуғ шахснинг саҳнадаги образини яратишим жуда қийин кечди. Ойлаб, йиллаб Навоийни мутолаа қилганман. «Ҳамса» ни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Билмаганларимни сўраб ўргандим, кутубхонама-кутубхона юриб китоб титдим. Хуллас, буюк шоиримизнинг образини саҳнада яратдим. «Навоий»нинг ҳар бир сўзи, унинг қатидаги теран маз-муни, ҳамма-ҳаммаси менга ёд бўлиб кетган десам янглишмайман.

– Театр саҳнасида ўйнаган илк ролингиз ёдингизда қолганми?

– Бундан олтмиш беш йиллар аввал ҳозирги Миллий Университетнинг ишчилар факультети (рабфак)ни тугатгач, дастлаб шу театрда иш бошладим. Ўшанда Аброр Ҳидоятовнинг «Аваз» пьесаси саҳнага қўйилаётган эди. Менга Ҳабибулло ролини топширишди. Ёмон чиқмади, чамамда... Саҳнада фаолиятим шундан сўнг бошланди, чоғи. Урушдан кейин театр ва рассомлик санъати институтида ўқидим.

– Сиз кўплаб фильмларда ҳам суратга тушгансиз...

– Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон киноижодкорлари билан ҳамкорликда яратилган элликдан ортиқ бадиий фильмларда рол ижро этдим. Филмни суратга олиш жуда мураккаб иш эканини илк бор кинода ўйнаганимда тушунганман. 1967 йилларда генерал Собир Раҳимов филми яратилган. Шу филмнинг суратга олиниши кезларида олти ой Болтиқ бўйи мамлакатларида юрганмиз. Уйдан, юртдан олисда...

– Оилангиз ҳақида сўзлаб бермасангиз.

– Машҳурахон билан яшадик. Беш қизу бир ўғилни тарбиялаб элга қўшдик. Ҳаммалари уйли-жойли, бу кун юртнинг хизматида. Мен оилани жуда муқаддас деб биламан. Касбимга оид ишлар билан қанчалик банд бўлмайин, бирор лаҳза оиланинг ташвишларини унутмадим. Айниқса, ўғил тарбияси отадан катта масъулият талаб этади. Ҳамиша яхши ота бўлишга ҳаракат қилганман...

– Қай муаммолар сизни кўпроқ безовта қилади?

– Инсоннинг ҳар қадамида муаммолар бисёр. Ахир ҳаёт ўзи курашлардан иборат-да! Гоҳ мағлуб бўласан, гоҳ ғолиб... Файласуфлардан бири «Курашиб яшайдиган одам гоҳо ютқазади ҳам, курашмайдиган киши эса аллақачон ютқазган» деган экан. Муаммолар кўп... Масалан, яхши драматик асарлар нега кам, дея ўйлайман баъзан. Драматургияни янада ривожлантириш керакмикан...

Тарихий шахслар орасида Нодира, Зебунисо, Бибихоним сингари улуғ аёлларимизнинг номлари қайта-қайта тилга олинади.

Қаранг, Бибихоним Амир Темурнинг нафақат завжаи муҳтарамаси, балки давлатни бошқаришда яқин кўмакчиси ҳам бўлган! Нима учун шундай доно ва билимдон аёлларимиз образи саҳнага олиб чиқилмаяпти! Мана, бу йилни «Обод маҳалла йили» деб номлаганмиз. Бир маҳалланинг ҳаёти, урф-одатлари, қадриятлари асосида зўр саҳна асари яратиш мумкин эди-ку! Нега бирорта драматург бу ишга қўл уриб кўрмади? Хуллас, муаммоларимиз борки, вақти келиб улар ижобий ечим топади, деб ишонаман. Чунки, истиқлол биз актёрлар учун катта имконлар эшигини очди.

– Кейинги йиллардаги ижодингизни ўзингиз қандай баҳолайсиз?

– Агар бир сўз билан айтиш лозим бўлса шуни айтардимки, истиқлол вужудимизда «музлаб қолган» журъат ва шижоатни эритиб, ҳаракатга келтириб юборгандек. Кейинги йилларда биргина мен эмас, бошқа актёрларимиз ҳам саҳнада ўзгача кайфият билан рол ижро этдилар. Менимча, миллий ғурур туйғуси, «ўзимизники» деган сўзнинг улкан салмоғи, истиқлол шукронаси, ҳаммаҳаммаси бизга илҳом бахш этди, ғайратимизни жўш урдириб юборди. Ўз ижодимда ҳам шундай куч-ғайратни ҳис этиб турибман.

– Ўзбек миллий академик драма театри ўз бағрида улкан санъаткорларни улғайтирган муқаддас даргоҳ. Сиз эса шу театрнинг кекса, тажрибали актёрларидан бирисиз. Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонни олишингизда театр жамоасининг ҳам ҳиссаси борлигини эътироф этмоқдасиз. Шу кунларда қандай орзу-ўйлар билан яшаяпсиз?

– Орзуларнинг борлиги яхши-да, доимо инсонга умид, ишонч бериб туради. Бугунги кунда театримизга кўплаб ёш актёрлар гуруҳи кириб келмоқда. Бариси иқтидорли, талантли, изланувчан. Уларни мен бир сўз билан истиқлолнинг мевалари дегим келади. Ана шуларга қараб, улкан актёрларимизни эслаб кетаман. Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева. Хуллас шуларга ўхшаш машҳур актёрларнинг издошлари ўрнида кўргим келади мен ёшларни. Вақти келиб, улар ҳам улуғлик даражасига етишларини жону дилдан истайман. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, катта меҳнатни талаб этади. Аслида актёрни меҳнату изланиш машаққатлари улғайтиради. Ёшларимиз бу ҳақиқатни унутмасликлари лозим. Мен эса уларга устоз сифатида доимо яхшиликларни соғинаман. Иқтидорлилар қанча кўп бўлса, юрт шунчалик қудратли бўлаверади. Зеро, озод мамлакат ўзининг чинакам довруғли фарзандлари билан доимо фахрлана олади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди

САВОЛ: пенсияга чиқишдан олдин 18 йил шифохонада санитарка бўлиб ишладим. Пенсияга чиққанимдан сўнг ошхонада ишчи лавозимида ишламоқдаман. Нафакамни тўлиқ олишга ҳаққим борми?

Р.ЖУМАНИЁЗОВА,
Урганч шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартибига биноан ходим ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган аёлларнинг 1999 йил 1 июлдан пенсияларни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолиниши белгиланган.

Пенсияга чиққандан кейин Фармонда назарда тутилмаган мутахассисликлар бўйича ишни давом эттираётган аёлларга пенсия умумий асосларда тўланади. Сиз ишлаётган мутахассислик Фармонда кўрсатилмаган.

САВОЛ: қишлоқ участка шифокорига узлуксиз иш фаолияти учун кўшимчалар борми? Агар бўлса ойлик иш ҳакининг қанча фоизини ташкил этиши мумкин?

С.ҚОДИРОВА,
Яккабоғ тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан 1991 йил 15 августда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ходимларига иш ҳақи тўловлари бўйича янги тартибдаги қўлланманинг 5-бўлим, 1,2-бандларига асосан қишлоқ участка шифокорига узлуксиз иш фаолияти учун ойлик иш ҳақига бериладиган қўшимча 3 йил узлуксиз ишлагач кейинги ҳар икки йилда ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан қўшиб борилади ва ойлик иш ҳақининг 40 фоизигача қўшиб берилиши қайд этилган.

САВОЛ: тиббиёт ходимларига 15 фоизли моддий рағбатлантириш бериш ҳакида маълумот берсангиз.

О.ТОШТЕМИРОВ,
Андижон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги ПФ-1273 сонли фармонига асосан бюджет ташкилотларида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкиллаштирилади. Бу 15 фоизли моддий рағбатлантириш Республика бюджети ҳисобидан ташкиллаштирилиб, йил охирида келгуси йил учун сметага киргизилади ва тасдиқланади.

15 фоизли моддий рағбатлантириш жамғармаси мукофот сифатида тақсимланади. Мукофот юбилей саналарида, байрам кунлари ва ҳисобот даврининг якунлари учун тўланиши мумкин. Яна ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажарган ва юқори малакали ходимларга ойлик иш ҳақига қўшимча сифатида тақсимланади. Мукофот юбилей саналарида, байрам кунлари ва ҳисобот даврининг якунлари учун тўланиши мумкин. Шунингдек, хизмат вазифасини сидқидилдан бажарган ва юқори малакали ходимларга ойлик иш ҳақига қўшимча сифатида ҳам берилади лекин бу қўшимча тариф ставкасидаги иш ҳақининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Иш сифати камайганда, ёмонлашганда ёки берилган вазифа ўз вақтида бажарилмаганда ёхуд меҳнат интизомига риоя қилинмаганда бу қўшимча берилмаслиги мумкин.

Саволларингизга Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Ҳабиба Асатова жавоб беради

Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг Янгийўл туман бўлими ходимлари томонидан жиноий ишлар олдини олиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ кутилган натижага эришилмоқда.

Суратда: (ўнгда) бўлим бошлиғи М.Косимов ва катта суриштирувчи Қ.Саудовлар.

КОНИ ФОЙДА СОҲА

Наманган туманидаги "Уммон-СБК" масъулияти чекланган жамияти етти хазинанинг бири паррандачилик йўналишида иш бошлаганига эндигина беш ой бўлди.

-"Зарбдор" ширкат хўжалигининг молхонаси ўрнида янги бино қуриб иш бошладик,-деди жамият раҳбари Собитхон Камолов "Туркистон-пресс" мухбирига.- Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Нур" наслчилик фабрикасидан Германиянинг "Lomen-Braun" зотли жўжаларидан 14 минг дона олиб келиб парваришладик. Ҳозир улар тухум бера бошлади. Яқинда яна 15 минг дона жўжа келтирдик. Улар сонини 75 мингга етказмоқчимиз. Ўшанда кунига истеъмолчиларга 45-50 минг дона тухум етказиб берамиз. Товуқларни боқиш автоматлаштирилган. 4 донадан жойлаштирилган товуқлар махсус катакларда парваришланади. Бугунги кунда 30 нафар янги ишчи ўрни яратилди. Келгуси йили улар сони 80 нафарга етади.

Собитхон Камоловнинг таъкидлашича, қўпгина хўжаликлар йўқотиб юборган товуқчиликни ривожлантириш бугунги куннинг самарали юмуши ҳисобланади. Фақат бунга жиддий эътибор керак. Шунда паррандага барака кириб, бу соҳа ҳам кони фойдага айланади.

Паррандабоқарларга "Асакабанк"-нинг вилоят бўлими товуқчиликни ривожлантириш учун 50 миллион сўм кредит ажратди.

ЎҚУВ — АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

Республика илмий педагогика кутубхонасида ўқув-ахборот ресурс маркази ташкил топди. Зиё масканларида ахборот технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланишнинг самарали усулларини қўллаш дастури асосида юзага келган марказ мактаб кутубхоначилигини янги босқичга кўтаради.

Янги марказнинг очилиши республикамиз таълим тизимида ўзига хос янгилик бўлди,-деди кутубхона директори Доно Ғаниева "Туркистон-пресс" мухбирига. -Педагогларни ва кутубхоначиларни ахборот ресурслари билан таъминлаш мақсадида у энг замонавий компютер қурилмаларига эга бўлди. Бу эса халқаро доирада юз бераётган ахборот ва таълим соҳасидаги янгиликларни тарғиб қилиш, жаҳон кутубхоналаридаги адабиётлардан интернет орқали фойдаланиш имконини беради.

Республика илмий педагогика кутубхонасидаги видеоахборот воситалари ҳам марказ ихтиёрида бўлади.

ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ

Зарафшонлик тадбиркор Фазлиддин Қосимов ўз маблағи ҳисобидан «Тинчлик» маҳалласида янги гузар барпо этди. Унда чойхона, ошхона, новвойхона, сартарошхона, телерадио устахонаси бор. Маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти учун ҳам алоҳида жой ажратилган. Гузар қурилишига 30 миллион сўм маблағ сарфланди.

ЁШ ПОЛВОНЛАР ҚИРГУЛИДА БЕЛЛАШДИ

Қиргули туманидаги «Кимёгар» спорт саройида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент, Сурхондарё вилояти ҳамда Қирғизистон Республикасидан келган юздан зиёд полвон олти вазн тоифасида ғиламга чиқди.

Унда Республика Олимпия заҳиралари спорт мактаби ёшлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Қиргули ва Бувайда туманй курашчиларига насиб этди.

ФЕРМЕРНИНГ МУЛКИ КЎПАЙДИ

«Бухороолсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг очиқ савдодаги ва давлатга қарашли акцияларига бир йилдан буён харидор чиқмаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш давлат қўмитасида ўтказилган биржадан ташқари савдода олотлик фермер Файзулла Раҳимов 33 миллион сўмга жамиятнинг қимматли қоғозларини сотиб олди.

Шундай қилиб, корхонанинг йирик тендерларда қатнашиш имконияти кенгайди.

(ЎзА)

РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

Тошкент ислом университетида янги жамғарма иш бошлади.

Олий ўқув юрти фаолиятини ривожлантириш масалалари билан бевосита шуғулланадиган мазкур жамғарма диний ва дунёвий фанларга оид ноёб адабиётларни тўплаш ва тарғиб этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ҳозир жамғарма 800 дан ортиқ қўлёзма, нодир босма нашрларга эга. Келгусида унинг китоб заҳираси фидойилар томонидан топширилган тарихий қўлёзма китоблар ҳисобига янада бойийди.

Ўқув қўлланмалари ва адабиётларни нашрга тайёрлашда ҳам унинг хизмати катта бўлади. Жамғарма чет эл илмий муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Бу эса хориждан қадимий қўлёзма асарларни олиб келиш, улар асосида илмий изланишлар олиб бориш имконини беради. Халқаро лойиҳаларни амалга оширишга киришилади.

Режага кўра аждодларимиз мерос қолдирган диний ва илмий асарлар каталогларини тузиш ҳам кўзда тутилмоқда. Натижада университетда адабий мерос бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга эришилади. Бундай илмий ва маърифий жараёнларга иқтидорли талабалар ҳам жалб этилиб, уларнинг изланишлари муносиб тақдирланади.

"Туркистон-пресс"

Учинчи сменада нима гап?

БИР КОРХОНА АЁЛЛАРИ

Ушбу корхонада инсоннинг қадр-қиммати ва ижтимоий ҳимояси биринчи ўринда туради. Шу боисдан ҳам яратилган шарт-шароитлар ва қулайликларнинг барчаси ишчи-хизматчилар манфаати учун хизмат қилмоқда.

Сариосиё туманидаги «Пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида иш бир маромда кечаяпти. Меҳнат жамоасининг мақсад сари интилиши туфайли ўтган йили ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар жорий йилда мустаҳкамланмоқда. Мазкур заводда 393 нафар ишчи хизмат қилиб келаётир. Уларни моддий рағбатлантириш, орзу-умидини рўёбга чиқаришда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўзаро келишган ҳолда шартнома тузган.

Корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Садриддин Муҳаммадиев айни вақтда заводдаги ишчи-хизматчилар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг ҳимоячиси ва қолаверса, уларнинг жонкуяри ҳисобланади. Ишчиларнинг ҳаммаси аҳил ва иноқ. Улар ўртасида ташкил қилинган мусобақалар, спартакиада ўйинлари касабақўмнинг яхши тажрибасидан далолат беради.

Жорий йилдаги маълумотларга кўра, заводда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилган.

Одат тусига айланган ва тантанали равишда ўтказиладиган ҳар бир байрамларда, жумладан, 8 март «Халқаро хотин-қизлар куни» байрами муносабати билан корхонада фаолият кўрсатаётган аёлларга ҳам ўзига хос тарзда байрам дастурхонлари ёзилиб, ишчи-хизматчилар совғалар билан рағбатлантирилди.

Ишчиларни моддий рағбатлантириш, уларни сиҳатгоҳларга жўнатишга ҳам бу ерда алоҳида эътибор қаратилган. 43 нафар ишчи-ходимларни «Хонжиза» дам олиш масканига дам олдириш учун корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан 1 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланган. Бундан ташқари 60 нафар ходимларнинг фарзандлари оромгоҳларга дам олдирилди. Ана шундай ибратли ишлар касаба уюшма қўмитаси раисининг иш мезонига айланган.

Корхонада маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бандлари ўз вақтида бажарилиб келинмоқда.

– Ишчи Ҳамро Мелибоев иш жараёнида тан жароҳати олди. Унга бир йўла корхона томонидан йиллик ўртача иш ҳақи тўланди. Шу йилнинг сентябр ойида ишчилар Бозор Муҳаммадиев ва Умарали Бобоназаровларни баъзи бир хато-камчиликлари туфайли маъмурият ишдан озод этганди. Натижада корхона касаба уюшма қўмитаси аралашуви ва саъй-ҳаракати туфайли Б.Муҳаммадиев ва У.Бобоназаровлар ишга қайта тикланишди, - дейди биз билан суҳбатда касаба уюшма қўмитаси раиси С.Муҳаммадиев.

Жорий йилда корхонанинг пахта қабул қилиш режаси 17 минг тонна бўлиб, амалда ушбу кўрсаткич 126 фоиздан зиёдроққа бажарилади. Корхонада иш 3 сменада ташкил этилган. Пешқадам ишчилардан Бекмирзо Муродов, Сафо Баккоев, цех бошлиғи М.Шукуров ва бошқалар ишлаб чиқаришнинг юксалишига самарали ҳисса қўшиб келишмоқда.

Ишчи-хизматчиларга қулайлик яратиш мақсадида ошхона бепул хизмат қилмоқда. Улар 3 маҳал овқатланадилар. Сартарошхона, тиббиёт бўлимларида ишчилар учун қулай шароит яратилган. «Маънавият ва маърифат» хонасида ишчилар бўш вақтларида кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.

А. РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Пири бадавлатларимиз

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОТАХОН

умрининг саксон йилини ўқитувчиликка бағишлади

Элликқалъа тумани «Сарибий» жамоа хўжалиги Қошқўра қишлоғида яшовчи кекса муаллим Отажон Каримовдан келган хат ногоҳ диққатимизни ўзига жалб қилди. «Давлатимизга мингдан-минг раҳмат, кексайган чоғимда қадр-қимматимни жойига қўйди ... Мен ҳозир 101 ёшга қараб кетяпман. 80 йил ўқитувчилик қилдим. Унинг 41 йилини мактаб директори лавозимида ўтказдим...»

101 ёш... 80 йил ўқитувчилик қилиш, 41 йил директор бўлиб ишлаш... Ахир бу нарсани бемалол «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритиш мумкин-ку!

Табаррук инсон билан яқиндан танишиш мақсадида Қошқўра қишлоғига йўл олдик. Эшик олдида отахоннинг набираси Жамолиддин қарши олди. Ичкарига таклиф қилиб:

– Бобом ҳозир чиқиб қоладилар, – деди.

Хаёлимиздан кекса кишини бемаврид жойидан безовта қилмадикми, деган ўй кечди. Ахир 100 ёш ҳазилакам гапми!

Дам ўтмай нуроний чеҳрали, тетик отахон дадил қадамлар билан чиқиб келди.

– Яхши келдингларми, ўғилларим! – дея биз билан қучоқ очиб кўришди. Отахонга бир қарашдаёқ 70-75 ёшлар бердик. Гапириши дадил, газетани ҳам бемалол кўзойнаксиз ўқийди. Фақат қулоқлари бироз оғирлашиб қолибди. Ўтган аср бошларида туғилган қутлуғ

ёшли отахон ўзининг шарафли ҳаёт йўли давомида қанчадан-қанча машақатларни кўрмади дейсиз.

У муаллимлар тайёрлаш институтини тамомлаганидан сўнг она қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Қишлоқ ёшларига физика ва математика фанларидан сабоқ берди. Шу ерда бўлғуси турмуш ўртоғи Ҳанифа билан танишди. Оилада фарзандлар дунёга келди.

Отажон оға даҳшатли уруш йиллари ўз касбини фидокорона давом эттирди. 1949 йили нафақага чиққан эса-да ҳамон ёшларга таълим-тарбия беришда давом этмоқда.

Фарзанд – ота-она ҳаётининг давомчиси. Отажон оға ва Ҳанифа опа тарбиялаб ўстирган фарзандлар ҳам ота касбига содиқ қолдилар. Қизи Анеш опа узоқ йиллар бошланғич синф ўқувчиларига таълим берди. Ҳозир нафақада. Ўғли Боғибек эса физика-математика фанлари номзоди, Тошкент автомобил ва йўллар институти доценти.

Неваралларнинг ҳам деярли ҳаммаси бобо касбини танлаганлар.

Инсоннинг бу қадар узоқ умр кўриши сири нимада? Бунга отахоннинг кундалик дафтарида битилган ёзувлар аниқ жавоб бўла олади: «Узоқ умр кўриш учун доимо ҳалол-пок юриш, ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-қаноатли бўлиш, кўпроқ ҳаракат қилиш лозим...»

Ёшлик даврида кунига 10 километр масофага югурадиган Отажон оға то олтмиш ёшгача бу одатни тарк этмади. Ҳозирда ҳам кунига 5 километр пиёда йўл босиб саксон йил умрини сарф қилган Қозоқ Қурбонов номли мактабга бориб келади.

– Шундай саодатли кунларга етганимнинг ўзи катта бахт, – деди у хайрлашар экан. – Юртимиз истиқболи учун меҳнат қилаётганимдан бениҳоя бахтиёрман. Фарзандларим, набираларим, эвара-чевараларим ҳур, озод Ватанда, беғубор осмон остида яшамоқдалар. Илоё, юртимиз янада юксак равнақ топсин!

Болтабой ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбири

Маънавият сабоқлари

Маълумки, тасаввуф йўли - камолот йўли. Шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтган, барча диний ва дунёвий илмларни эгаллаган, етук хулқу тийнат соҳиби бўлиб, ўзини олий мақомга етказган кишилар тасаввуфда комил инсонлар деб аталади.

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

НАФСНИ ЕНГИШДАН БОШЛАНАДИ

Тасаввуф олимларининг якдиллик билан эътироф этишларича, комил инсоннинг бу дунёдаги мукаммал тимсоли - Муҳаммад алайҳиссалом. Қолганларнинг камолот даражаси унга нисбатан олинади. Яъни, бошқа барча пайғамбарлар Муҳаммад алайҳиссаломга, авлиёлар пайғамбарларга, орифлар авлиёларга, илму ахлоқда етук инсонлар орифларга нисбатан комилликка интиладилар.

Комил инсон таълимоти намояндаларидан Азизиддин Насафийнинг фикрича, тўрт нарса - яхши сўз, яхши иш, яхши хулқ ва маърифатда камолга етган ҳар қандай киши комил инсон аталишга муносиб. Бу фазилатларни эса астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай одам ҳам эгаллаши мумкин. Демак, комил инсон бўлиш имконияти ҳаммада мавжуд.

Навоий Муҳаммад алайҳиссаломни коинот гултожи, башар аҳлининг ягонаси сифатида ҳар қанча улуғласада, одам авлодидан ҳеч ким унга етишолмаслигини қайта-қайта таъкидласа-да, комил инсонга у эришиши мумкин бўлган талаблар билан ёндошади. Шоир нуқтаи назарига кўра ўзидаги қусурларни маҳв эта ва янгидан-янги фазилатлар касб эта бориб, инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан шу даражада юксаладики, бу мақомга эришган кишиларни Муҳаммад алайҳиссаломнинг ворислари, пайғамбар ишининг давомчилари, дейиш мумкин.

Албатта, Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари тасаввуф билан боғлиқ. Унингча, тариқат йўлига кирмай, риёзат чекмай камолотга эришиш мумкин эмас. Қўйи бир томондан чиқиб, иккинчи тарафга бориб ботгани сингари камоллик касб этишни орзу қилган киши ҳам риёзат босқичларини босиб ўтиши керак:

Қуёшдек манозил тай этмак керак,
Не раҳравки, қилғай камол орзу

Кўпгина ғазалларида Навоий пирсиз тариқат босқичини ўтаб бўлмаслиги, камолот йўли раҳнамосиз амалга ошмаслигини таъкидлайди. Чунки риёзат йўли оғир ва мураккаб бўлиб, бу йўлга етук етакчи этагида кирмаган киши адашиши мумкин. Шунинг учун ҳам тасаввуфда ҳар жиҳатдан комил муршидга мурид тушиб, бу маънавий раҳбарнинг азму иродасига бўйсуниш, ўз айбу нуқсонларини унинг кўрсатмаларига биноан тузатиш энг мақбул ва энг кенг тарқалган йўл ҳисобланади. Бу аслида Муҳаммад алайҳиссалом йўли бўлиб, Пайғамбаримиз саҳобаларни худди шундай суҳбат усули билан тарбиялаганлар. Шоирнинг ўзи ҳам 1476 йили Абдураҳмон Жомийга қўл бериб, нақшбандия тариқатига кирган:

Йўл қоронғудур, талаб ноқис - қадам не навъ урай.
Ёрумай комил дамдин машъали иршоднинг

Инсонни камолот йўлидан бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, ёмон одатлардан халос этиб, яхши фазилатларга ошно қиладиган, кўнглидан «ғайр нақшини кетказиб», илоҳий маърифатга етказадиган, қисқаси, хом толибни риёзатлар ўтида пишириб, гўзал хулқ ва етук илм соҳибига айлантирадиган, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий раҳбарни Навоий пир, муршид, комил, ориф, соқий, пири майхона, пири майкада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, пири муғон, пири хаммор каби мажозий тимсол ва сифатлар билан улуғлайди. Шунга мувофиқ, майхона, майкада, дайр, дайри фано, муғ дайри, харобот, бутхона сўзлари ана шундай комил инсонлар суҳбати, давраси ва йиғиладиган жойини англатади.

Шоир ғазалларида комил инсоннинг тимсоли бўлиб келган сўзлардан энг кўп учрайдигани - соқий. Маълумки, соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби Оллоҳ, пайғамбар ва комил инсонлар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар. Чунончи, қуйидаги байтда соқий тимсоли орқали бир вақтнинг ўзида ҳам худо, ҳам пайғамбар, ҳам пири комилга ишора қилинмоқда:

Соқиё, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут
Ким, мени ҳайронга бўлғай кашф сирри лав кушиф.

Навоий ғазалиётининг ўқ илдизини ўзликни маҳв этиб, фоний бўлиш ташкил этади. Ўзлик бу - инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Нафс ва дунё - Илоҳга етиш борасида инсон йўлидаги энг катта тўсиқ. Бу тўсиқни енгиб ўтмай туриб, мақсадга етиб бўлмайди. Ҳожа Ориф ар-Ревгарий таъбири билан айтганда: «Ул қушки, бўйнида оғир (дунёвий) юк осиғлик экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун?! Соликким, бу дунёга дилбандлиги бисёрдур, илоҳий парвоз қилолмас ва талаб водийсига қадам қўёлмас». Шоирнинг ўзи бу ҳақда: «Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим», - дейди. Шунинг учун ҳам камолот йўли - нафсни енгишдан бошланади. Ўзида энг ёвуз хусусиятларни жамлагани жиҳатидан нафс сўфиёна адабиётда кофир, душман, рақиб, Даж-жол, аждаҳо, дев, ит каби сифатлар билан қаттиқ қораланади. Салафлар анъанасини давом эттирган Навоий ижодида ҳам нафс айни сифатлар билан мазаммат қилинган шеърларга кўп дуч келамиз. Масалан:

Бўлуб нафсингга тобеъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман - қила олсанг ани қил банд.

Ўз нафсини енга бориб, солик дунё тааллуққотидан ҳам қутулишга интилиши керак. Тасаввуф адабиётида дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган, паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, юзини очганда эса афтлари бужмайган, тишлари тўкилган, қариб-чуриган хотин (пирзан), маккора кампир, зол, ажуза тарзида тасвирланади. Дунё барча ёмонлик, ёвузлик, ёлғон, ҳийла-найранг, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Навоий исломдаги ҳар тўртала мазҳаб билан уни уч талоқ қўйганлигини айтади:

Дахр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Шу тариқа, дунё ва нафс алойиқларидан қутулган солик фано мақомига қадам қўяди. Фано - моддий нарсалардан буткул узилиб, руҳиятга боғланиш. Навоий назарида, фано даштига кириш учун «ўзни ўзликдан озод айлаш», «зодсизлиқ зодини омода» этиш керак. Бу - ғиқсизликни озиқ билиш, яъни руҳий озиқнинг ўзи билан кифояланиш, Ҳақдан ўзгасига эҳтиёжсизлик демак:

Гар фано даштиға киргунгдур су худ кўз ёши бас,
Лекин аввал зодсизлиқ зодини мода эт.

Фақр хусусидаги қарашлар ҳам Навоий ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Зеро, «фақр - ошиқ сифати». Шоир бу тушунчани гоҳ алоҳида, гоҳ фано билан биргаликда - «фақру фано» тарзида кенг қўллайди. Ўзбек адабиётида ҳеч ким фақру фанони Алишер Навоийдек ҳадди аълосида куйламаган. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом: «Фақирлик - менинг фахрим!» деганлар. Бу ҳадис тасаввуф аҳлининг шиорига айланган. Чунки бу ерда фақр камбағаллик, қашшоқлик маъносида эмас, балки Оллоҳга фақирлик, дунёга эҳтиёжсизлик ҳақида. Айни маънода «фақр мартабаси - фано мақомига баравар».

Фақр шундай даражаким, бу мақомга етган солик учун бору йўқнинг фарқи қолмайди:

Фақр ила шод ўлки, ҳар ким бўлса аҳли маърифат,
Дахр туфроғ бирла тенг бўлмоқ не имкон оллида .

Комил инсонлар ёр, дўст, маъшуқага нисбат бериб, бадиий тимсоллар воситасида таъриф-тавсиф этилганда, юз, кўз, лаб, оғиз, бел ва бошқалар мажозий мазмунга эга бўлади. Бунда уларнинг вужуди - жавҳари пок, юзи - тажалли мазҳари, оғзи - ғайб асрори, ўзи - илоҳий руҳ ва ақлнинг мужассами сифатида тасвирланади. Кўз - комил инсоннинг икки олам асроридан воқиф, муридни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи қалб кўзини билдиради:

Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ,
Не юздурур бу, не кўз, ло илоҳа иллаллоҳ.

Таҳлиллардан маълум бўладики, Навоий ғазалларида комил инсон билан вобаста сўз ва тушунчалар бир-бири билан боғлиқ ягона тизим сифатида намоён бўлади. Бу истилоҳ ва тушунчаларнинг ўзаро боғланиб, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган, юзини очганда эса афтлари бужмайган, тишлари тўкилган, қариб-чуриган хотин (пирзан), маккора кампир, зол, ажуза тарзида тасвирланади. Дунё барча ёмонлик, ёвузлик, ёлғон, ҳийла-найранг, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Навоий исломдаги ҳар тўртала мазҳаб билан уни уч талоқ қўйганлигини айтади:

Дахр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Шу тариқа, дунё ва нафс алойиқларидан қутулган солик фано мақомига қадам қўяди. Фано - моддий нарсалардан буткул узилиб, руҳиятга боғланиш. Навоий назарида, фано даштига кириш учун «ўзни ўзликдан озод айлаш», «зодсизлиқ зодини омода» этиш керак. Бу - ғиқсизликни озиқ билиш, яъни руҳий озиқнинг ўзи билан кифояланиш, Ҳақдан ўзгасига эҳтиёжсизлик демак:

Гар фано даштиға киргунгдур су худ кўз ёши бас,
Лекин аввал зодсизлиқ зодини мода эт.

Фақр хусусидаги қарашлар ҳам Навоий ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Зеро, «фақр - ошиқ сифати». Шоир бу тушунчани гоҳ алоҳида, гоҳ фано билан биргаликда - «фақру фано» тарзида кенг қўллайди. Ўзбек адабиётида ҳеч ким фақру фанони Алишер Навоийдек ҳадди аълосида куйламаган. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом: «Фақирлик - менинг фахрим!» деганлар. Бу ҳадис тасаввуф аҳлининг шиорига айланган. Чунки бу ерда фақр камбағаллик, қашшоқлик маъносида эмас, балки Оллоҳга фақирлик, дунёга эҳтиёжсизлик ҳақида. Айни маънода «фақр мартабаси - фано мақомига баравар».

Фақр шундай даражаким, бу мақомга етган солик учун бору йўқнинг фарқи қолмайди:

Фақр ила шод ўлки, ҳар ким бўлса аҳли маърифат,
Дахр туфроғ бирла тенг бўлмоқ не имкон оллида .

Комил инсонлар ёр, дўст, маъшуқага нисбат бериб, бадиий тимсоллар воситасида таъриф-тавсиф этилганда, юз, кўз, лаб, оғиз, бел ва бошқалар мажозий мазмунга эга бўлади. Бунда уларнинг вужуди - жавҳари пок, юзи - тажалли мазҳари, оғзи - ғайб асрори, ўзи - илоҳий руҳ ва ақлнинг мужассами сифатида тасвирланади. Кўз - комил инсоннинг икки олам асроридан воқиф, муридни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи қалб кўзини билдиради:

Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ,
Не юздурур бу, не кўз, ло илоҳа иллаллоҳ.

Таҳлиллардан маълум бўладики, Навоий ғазалларида комил инсон билан вобаста сўз ва тушунчалар бир-бири билан боғлиқ ягона тизим сифатида намоён бўлади. Бу истилоҳ ва тимсолларнинг ўзаро боғланиб, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган, паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринад